

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН *ACER L* НИНГ ТУРКУМ ТУРЛАРИ

Ишанқулова Дилафруз Улуғбек кизи

Жиззах давлат педагогика университети, ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Дунё миқёсида шаҳарсозлик ва саноатнинг ривожланиши натижасида, аҳоли масканларини кўкаламзорлаштиришда, микроклимини оптималлаштиришда манзарали интродуцент дарахт ва буталардан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Кейинги йилларда республикамиз шаҳарларини ободонлаштириш, инфратузилмасини яхшилаш ва замонавий архитектура қоидаларига мос равишда кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришга эътибор қаратилмоқда. Жиззах шаҳрига интродукция қилинган дарахт ва буталарнинг табиий тарқалиш ареаллари хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Дарахт, буталар, *Acer pseudoplatanus*, *A.platanoides*, *Acer platanoides subsp. Turkestanicum*, кўкаламзорлаштириш

Дарахт ва буталарнинг биоморфологик хусусиятларини ўрганиш, уларни турли шароитларга мослашишини аниқлаш ва кенг миқёсда кўпайтиришга тавсия этиш имконини беради [1]. Ҳозиргача олиб борилган ботаник тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дарахтларнинг ҳаёт фаолиятида ҳажми катталаниши ҳамда органларининг йириклашиб бориши орқали, уларнинг ўсиш ва ривожланиши кузатилади [6]. Мазкур жараёнларда уларни морфологик белгиларида ҳам ўзгаришлар кузатилади.

Дарахт ва буталарнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, уларнинг катта ҳаётий циклининг узок йиллар давом этишидир. Уларнинг давомийлиги 5-6 йилдан, бир неча минг йилларгача давом этади. Ёғочли ўсимликларнинг бошқа кўп йиллик ўсимликлардан асосий фарқи, уларнинг ер устки қисми қисман ёки тўлиқ равишда вегетация ниҳоясида ҳам сақланиб қолади. Кўп йиллик ўт ўсимликлар деярли бу ҳолат кўзга ташланмайди.

Дарахтларнинг ўзига хос хусусиятлардан бири бу уларнинг асосий танасининг йириклиги ҳисобланади. Айрим ҳолларда мазкур тана ўсимликнинг деярли 90 % ни ташкил қилади. Айрим ҳолларда уларнинг танаси муҳитга қараб шакли бироз ўзгаради. Мазкур ҳолат тоғли ва юқори кенгликларда ўсадиган турлар учун хос бўлиб, ушбу худудларда иқлим бошқаларга нисбатан тубдан фарқ қилади [3].

Acer вакиллари асосан табиатда дарахт ва бута ўсимликлар ҳисобланади. *Acer* туркуми илк бор К. Линней томонидан - *Genera Plantarum* асарида келтирилган (Linnaeus, 1737). Кейинчалик К. Линней - *Species Plantarum* (Linnaeus, 1753) асарида туркумнинг 10 турини тавсифлайди ва *Acer pseudoplatanus* туркумнинг типич сифатида эфирол этилади [4]. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда тарқалган туркум турлари борасида ҳам қатор таҳлиллар мавжуд. ЎзР ФА Ботаника институти Миллий гербарий (TASH) фондида сақланаётган намуналар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон флорасида уларнинг 5 тури учраши қайд этилган [5].

Жиззах шаҳрида олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ўсимликнинг барглари бутун, панжасимон бўлакли ёки мураккаб тоқ патсимон тузилган улар доира шаклида жойлашган бўлади. Кўп турларининг гули айрим жинсли. Баъзи турлари бир уйли, бошқалари икки уйли ҳисобланад. Гуллари шингил ёки тўпгул ҳосил қилади. Меваси иккита қанотчали бўлиб ажралади. Зарангнинг ёғочи мустаҳкам, пишиқ, бир текис рангли бўлиб, ундан мебель, чолғу асбоблари ясашда, самолётсозликда фойдаланилади. Айрим турларидан ширин таъмли шира (шакар хом-ашёси) олинади, ундан заранг қанди тайёрланади. Кўп турлари хушманзара дарахт сифатида экилади. Туркум турлари қарама-қарши барглари ва мевалари ёрдамида осон фарқланади. Морфологик белгиларининг турли-туман бўлиб, уларнинг қатор формалари мавжуд. *Acer* турлари кўп миқдорда чанг ҳосил қилмайди, чангги, одатда, учбаргли, изополяр ва деярли шарсимон шаклга эга.

Явор заранги (*Acer pseudoplatanus* L.) - ватанида баландлиги 40 м, диаметри 1 м га етадиган қуюқ чодирсимон, ўрмонда эса тескари тухумсимон ёки кенг цилиндрсимон крона ҳосил қилиб ўсувчи дарахт ҳисобланади. Жиззах шаҳри шароитида унинг танаси тик бўлиб, шох-шаббаси қалин бўлиши кузатилади. Ўсимлик барг ёзиб бўлгандан сўнг, май ойларидан то июнь ойларигача гуллаш қайд этилди. Ўсимлик гуллари айрим жинсли (чангчили ва сохта икки жинсли), бир уйли, баъзан икки уйли, нектарли. Унинг қанотчали мевасининг етилиши август ойининг охирларидан то сентябр ойининг охирларигача давом этади. *Acer pseudoplatanus* интродукция шароитида ҳам тез ўсиши кузатилиб, чуқур илдиз отади. Тадқиқотлар давомида шу нарса маълум бўлдики, айрим ҳолларда ўсимлик қуриб қолса ёки танасининг маълум қисми кесилганда ҳам, тўнкасидан ҳам кўкаради.

Маданий заранг (*Acer platanoides* L.) – табиий шароитда баландлиги 25-30 м га етадиган катта дарахт ҳисобланади. Жиззах шаҳрида интродукция қилинган турнинг шох-шаббалир қалин, кенг, юмалоқ шаклда, барглари йирик панжали. Бу заранг барг ёзишдан олдин, яъни Жиззах шаҳри шароитида май ойларида

гуллайди. Ўсимлик гуллари айрим жинсли бўлади. Уруғи йирик, ясси тузилган. Илдиз тизими ўқ илдиз типиди бўлади. Асосий илдизи ерга чуқур кирмайди, бироқ бақувват ён илдизлари ниҳоятда сертармоқ бўлади. Бу дарахт тўнкасидан ҳам кўкаради, пархиш йўли билан кўпаяди, табиий шароитда 150-200 йилгача яшаш тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Turkiston zarangii (Acer platanoides subsp. Turkestanicum (Pax) P.C.de Jong) –табиий шароитда Тянь-Шань ва Помир-Олойда денгиз сатҳидан 1600-2500 м баландликлардаги тоғ ён бағирларида кенг тарқалган. Баландлиги 10-15 метр, кўп ҳолларда кўп танали дарахт (3-10 танали) кўринишда ўсади. Кулранг пўстлоқли, кизғиш-жигарранг куртакли, ётиқ, жуда майда безлар ва жигарранг кулранг новдалар билан ўралган, баландлиги 12 м гача бўлган дарахт. Баргларининг узунлиги 6–9 см, эни 8–12 см, туксиз, пастки барглари қисқа майин тукли, туклари томир бўйлаб қалин ва узунроқ, барглари 5 ёки кўпинча 7 бўлаккли, қисқа новдаларда 3 бўлаккли, барг бўлакчалари учбурчак тухумсимон ёки учбурчак, қисқа ва кенг, бирданига чекланган қисқаўткир учли, ўрта бўлак кўпинча ҳар бир томонида 1 тадан тишли бўлади, барг асоси-юрак шаклидан деярли кесилган шаклгача, баъзан юмалоқ ёки ханжарсимон. Тўпгули 15–30 гулли, туксиз (яланғоч). Гулларининг диаметри 10–14 мм, бинафша дискли. Косачабарглари овалсимон, яшил, тўмтоқ. Гултожбарглари оқ тухумсимон, деярли гултожбарглари билан тенг ёки улардан озгина узун. Қанотли мевалари жуда катта, узунлиги 4–5 (7) мм, нотекис бурчак остида ажралган ёки тўғри, баъзан горизантал равишда чўзилган, қанотлари кенглиги 1,5 см, юқорига қараб кенгайган, тўмтоқ. Уруғидан кўпаяди. Жиззах шаҳри шароитида апрель-май ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида меваси етилади. Бир уйли дарахт ўсимлик. Апрель ойида барглари ёзилиши билан бир пайтда гуллайди. Мевалари 2 қанотли, сентябрда етилади. Иссиқсевар дарахт тури ҳисобланиб, табиий шароитда 250 йилгача яшайди

Жаҳонда юқори саноат тармоқларига эга бўлган аҳоли яшаш ҳудудларини кўкаламзорлаштиришда мослашувчанлик хусусиятлари юқори бўлган ҳамда турли омилларга чидамли дарахт турлари ва уларнинг манзарали шакллари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Марказий Осиёнинг иссиқ ва қурғоқчил минтақаларига *Acer L* туркуми вакиллари кўкаламзорлаштириш учун кенг жорий этилаётганлиги, уларни ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини илмий асослаш, турли муҳит омилларига чидамлилигини аниқлаш ҳамда кўпайтириш самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Шу ўринда мазкур турларнинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларни кенг кўламда кўкаламзорлаштиришга тавсия этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бабажанов Р. Интродукция древесных растений на юге Каракалпакстана. автореф. дис.канд.биол. наук: Ташкент, 2010. 18 с.
2. Икромов М.И., Нормуродов Х.Н., Юлдашев А.С. Ботаника. Ўсимликлар морфологияси ва анатомияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик/— Т.: «Ўзбекистон», 2002. -333 б.
3. Карпун Ю. Н. Декоративная дендрология Северного Кавказа: учебник / Ю. Н. Карпун, С. Б. Криворотов. – Краснодар: Куб-ГАУ, 2009. – 471 с.
4. Lama D., Moktan S., Das A.P. Diversity and distribution of *Acer Linnaeus* (Sapindaceae) in Darjiling and Sikkim Himalayas. *Pleione*, 2015. 9(1): 61 – 73.
5. **Раҳматова К.И., Ибодуллаева Ю.О., Бозорова Г.С., Махкамов Т.Х., Тожибаев К.Ш.** Гербарий намуналарининг таҳлили – янги тадқиқот йўналиши: *Acer L.* туркуми мисолида. *Academic research in educational sciences. Volume 2, Issue 5, 2021. Б.268-279*
6. Саидов Н.С. Биологические и эколого-физиологические особенности древесных растений в условиях городской среды// автореферат дисс. канд.биол.наук. Душанбе, 2010. 25 с.